

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

ШАМСУТДИНОВА ДИЛДОРА БАХРАМОВНА

**СУРУНКАЛИ МИЕЛОПРОЛИФЕРАТИВ КАСАЛЛИКЛАРДА
ГИПЕРКОАГУЛЯЦИЯ ҲОЛАТНИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ
МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК АСОСЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2020

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шамсутдинова Дилдора Бахрамовна

Сурункали миелопролифератив касалликларда гиперкоагуляция
холатни шаклланишининг молекуляр-генетик асосларини ўрганиш..... 3

Шамсутдинова Дилдора Бахрамовна

Изучение молекулярно-генетических особенностей формирования
гиперкоагуляционного состояния при хронических
миелопролиферативных заболеваниях..... 21

Shamsutdinova Dildora Bahramovna

The study of molecular-genetic peculiarities of formation of
hypercoagulability state in chronic myeloproliferative diseases..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 40

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМий ТЕКШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

ШАМСУТДИНОВА ДИЛДОРА БАХРАМОВНА

**СУРУНКАЛИ МИЕЛОПРОЛИФЕРАТИВ КАСАЛЛИКЛАРДА
ГИПЕРКОАГУЛЯЦИЯ ҲОЛАТНИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ
МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК АСОСЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/В284 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Бобоев Кодиржон Тўхтабоевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Бабаджанова Шоира Агзамовна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гильдиева Маргарита Сабировна
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2020 йил « ____ » _____ кун тарқатилди.
(2020 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А. Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д. А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Р.С. Мухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда томирлар тромбози қон тизими патологияларида, айниқса онкогематологик касалликларда жиддий муаммо бўлиб ҳисобланади. Хорижий олимларнинг берган маълумотларга кўра «...V омил аномалияси, МТНFR ферментининг 677С-Т мутацияси томонидан чақириладиган гипергомоцистеинемия, тромбофилик ҳолатларнинг шаклланишига мойил бўлган PAI-I гени ва протромбин II омил генининг 20210G-A мутацияси каби генетик нуқсонларни аҳамиятини баҳолашга бағишланган...»¹. Гематологик касалликларда тромбоэмболик асоратларнинг юқори эҳтимоллиги ва даволашни мураккаблиги ушбу беморларда мазкур ҳолатни ривожланиш ҳавфини эрта прогнозлаш ёки омилларни ўз вақтида ташхислаш заруриятига боғлиқ бўлади.

Жаҳонда сурункали миелопролифератив касалликларда гиперкоагуляция ҳолатни шаклланишининг молекуляр-генетик асосларини баҳолашга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада сурункали миелопролифератив касалликлар билан хасталанганларда туғма тромбофилия генетик маркерларини (FII, FV, МТНFR ва PAI-I) учраш даражасини қиёсий асослаш; сурункали миелопролифератив касалликлар бўлган беморларда тромбоэмболик асоратларни ривожланишида туғма тромбофилиянинг генетик маркерларини FII, FV, МТНFR ва PAI-I аҳамиятини асослаш; JAK2 генининг V617F соматик мутациясини тромбоэмболик асоратларни ривожланишидаги аҳамиятини асослаш; гиперкоагуляция синдромининг ривожланишига мойилликни, тромбоз ва унинг асоратларининг ривожланишини эрта баҳолаш имконини берадиган янги мезонлар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз томонидан тиббиёт соҳасини ривожлантириш, турли хил касалликларни, жумладан гематологик касалликларда тромбоэмболик асоратларни келиб чиқишини олдини олиш, уларни ривожланиш механизмларини бартараф этиш ва эрта даволаш-профилактика тадбирларини самарали ўтказишга қаратилган чора тадбирларни амалга ошириб, муайян натижага эришилмоқда. «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш

¹Шайхутдинова Р.В., Кочмарева Г.Ю., Серова Е.А. и др. Исследование полиморфизма генов плазменного и тромбоцитарного звеньев гемостаза у пациентов с хроническими миелопролиферативными новообразованиями. Лабораторная служба, №1, 2018. С.20-24 .

тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш аҳоли орасида сурункали миелопролифератив касалликларни тромбоемболик асоратларини прогнозлаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касаллик асоратларини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармонлари, 2017 йил 4 апрелидаги ПҚ-2866 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш ва онкологик хизматни келгусида ривожлантириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда маълумки, инсонларда тромбозларга мойиллик ривожланишида муҳим ролни генетик омиллар, жумладан ирсий тромбофилия генлари (FII, FV, MTHFR ва PAI-I) белгилаб беради (Баранов В.С. ва ҳаммуал., 2009; Кукес В.Г. ва ҳаммуал., 2010). «Мойил аллеллар»ни қанча кўп мерос қилиб олган бўлса, тромботик асоратларнинг юзага келиш эҳтимоли шунча юқори бўлади. Бироқ, дунё илмий адабиётларида ирсий тромбофилия генларининг учраш сонини ўрганишга бағишланган яқка холдаги тадқиқотлар нашр қилинган, сурункали миелопролифератив касалликлар (СМПК)да уларнинг башоратли аҳамиятини баҳолаш яқуний ҳулоса чиқаришга имкон бермайди, бу билан боғлиқ холда СМПКда тромботик асоратларни ривожланиши ва прогнозлашга мойил бўлган ушбу генлар ассоциациясини ўрганиш долзарб бўлиб ҳисобланади [Wenlei Z. et al., 2012; Adel A et al., 2013].

Сўнгги вақтларда миелопролифератив касалликлар билан кўп марта ассоциацияланувчи 2 Janus (JAK2) V617F киназалар генининг соматик мутацияси веналар, айниқса жигар веналарининг тромбозини ривожланишига сабаб бўлишини кўрсатувчи нашрлар пайдо бўлмоқда [Colaizzo D. et al., 2007 Stefano V., 2007]. Эришилган ютуқларга қарамасдан, СМПКда тромбозлар ривожланиш генида ген-кандидатлар

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

аҳамиятини аниқлаш бўйича қарама қарши натижалар боғлиқлигини мавжуд эмаслигига таълуқли бўлган, ҳал этилмай қолган масалалар билан боғлиқ ҳолда, унинг генетик асосларини ҳар томонлама ўрганиш заруриятини тасдиқлайди.

Ўзбекистонда қон тизим касалликларида тромбозларни ривожланиши билан ирсий тромбофилия генлари ассоциациясини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар олиб борилган [Каримов Х.Ё. ва ҳаммуал., 2014, 2018]. Бироқ, сурункали миелопролифератив касалликларда гиперкоагуляция ҳолатни шаклланишининг молекуляр-генетик асослари баҳоланмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг АЁСС-2 «Қон тизим касалликлари тромбоэмболик асоратларини ривожланишида гемостазнинг функционал бошқарилишини бузилишида баъзи ген-детерминтларнинг ўрнини баҳолаш» (2012-2013) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: сурункали миелопролифератив касалликлар билан хасталанган беморларда тромбоз ва унинг асоратларини ривожланиш хавфига гиперкоагуляция синдромининг асосий детерминант генларини таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали миелопролифератив касалликлар бўлган беморлар орасида туғма тромбофилия генетик маркерларини (FII, FV, MTHFR ва PAI-I) учраш даражасини қиёсий баҳолаш;

сурункали миелопролифератив касалликлар бўлган беморларда тромбоэмболик асоратларни ривожланишида туғма тромбофилиянинг генетик маркерларини FII, FV, MTHFR ва PAI-I аҳамиятини баҳолаш;

ЖАК2 генининг V617F соматик мутациясини тромбоэмболик асоратларни ривожланишидаги аҳамиятини асослаш;

гиперкоагуляция синдромининг ривожланишига мойилликни, тромбоз ва унинг асоратларининг ривожланишини эрта аниқлаш имконини берадиган ташхисий ва прогностик мезонлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти 2012-2016 йилларда гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида рўйхатдан ўтказилган 111 нафар бемор (32 нафар сурункали миелолейкоз, 79 нафар чин полицитемия). Назорат гуруҳига эса анамнезида тромбоз аниқланмаган 114 нафар шартли соғлом шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тадқиқотда иштирок этганларнинг веноз қони, ДНК ва РНК намуналарининг материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун молекуляр-генетик (ПЦР) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали миелопролифератив касалликлар билан хасталанган беморларда гиперкоагуляция синдромининг ривожланишида молекуляр-генетик механизмлари асосланган;

туғма тромбофилия FII, FV, MTHFR ва PAI-I генлари полиморфизмларини аниқлашнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган;

тромбоэмболик асоратлар қайд қилинган сурункали миелопролифератив касалликларнинг турли вариантларидаги беморларда гиперкоагуляция жараёни шаклланишида JAK2 генининг V617F мутацияси ва FII, FV, MTHFR ва PAI-I генлари полиморфизмларининг аҳамияти исботланган;

тромбофилия маркерларининг генетик вариантлари ва гиперкоагуляция жараённинг клиник кечишидаги хусусиятлари орасидаги боғлиқлик аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали миелопролифератив касалликларда тромбоз рецидиви ва унинг асоратларини ривожланишини прогнозлаш ва гиперкоагуляция ҳолатини ривожланишидаги юқори мойиллик ташҳисининг ташҳисий ва прогностик мезонлари ишлаб чиқилган;

гиперкоагуляция жараёни ривожланиш мойилигини эрта аниқлаш, унинг кечишини прогнозлаш ва даволаш-профилактика тадбирларини эрта ўтказишни асослаган;

сурункали миелопролифератив касалликлар мавжуд беморларда JAK2 гени V617F мутациясини аниқланганлиги ҳақидаги маълумотлар тромбоз ва унинг асоратлари ривожланиш хавфи юқори бўлган гуруҳларни шакллантириш мезони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, лаборатор-инструментал ва молекуляр-генетик усуллар қўлланилганлиги СМПКда тромбозларни ривожланишида туғма тромбофилия генларининг ўзига хослиги баҳолаш тизими такомиллаштириш, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти беморларда СМПКда тромбозларни ривожланишида туғма тромбофилия генларининг ролини баҳолаш, JAK2 генининг V617F мутацияси билан ўзаро алоқасини ўрнатиш, СМПКда тромботик асоратларни ривожланиш ҳавф омилларини асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф этилган алгоритм модели асосида, генетик маркерларни аниқлаш йўли билан СМПКда

тромбозларни прогнозлаш усуллари ва ташхислаш такомиллаштирилиши, бу эса ушбу касалликнинг оғир шакллари ривожланишига мойил бўлган СМПК беморларида нозологиягача даволаш-профилактик чора-тадбирларни янада самарали амалга ошириш ва кечиш характерини башорат қилишга ёрдам берган ҳолда беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали миелопротрофиератив касалликларда гиперкоагуляция ҳолат шаклланишининг молекуляр-генетик асосларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Сурункали миелолейкоз беморларида тромбоземболик асоратларни ривожланишини башорат қилиш усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 июлдаги 8н-д/180-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали миелолейкоз беморларида гиперкоагуляция жараёни ривожланишига мойилликни эрта аниқлаш ва сурункали миелопротрофиератив касалликлар билан хасталанган беморларда нозологиягача бўлган даволаш профилактик чора-тадбирларни янада самарали амалга ошириш имконини берган.

сурункали миелопротрофиератив касалликларда гиперкоагуляция ҳолат шаклланишининг молекуляр генетик асослари Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси ҳамда Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникасида амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 декабрдаги 8н-з/246–сон маълумотномаси). Натижада сурункали миелопротрофиератив касалликлар билан хасталанган беморларда даволашни ўтказиш ва дори воситалари таннари учун бўладиган сарф-ҳаражатни 30%га қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманларда муҳокома қилинган, жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар: 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруриятини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва

технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг «**Сурункали миелопролифератив касаликларда гиперкоагуляция ҳолатининг замонавий муаммолари**» деб номланган биринчи бобида сурункали миелопролифератив касалликлар тўғрисида умумий материаллар, уларнинг ривожланишини этиопатогенетик механизмлари, ушбу касалликларда гиперкоагуляция синдромининг ривожланишида JAK2 генининг V617F мутацияси ва туғма тромбофилия генлари (FII, FV, MTHFR ва PAI-I)нинг аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар берилган. Мазкур генларнинг вазифалари ва уларнинг сурункали миелопролифератив касалликлардаги тромботик асоратларни ривожланишига қўшадиган хиссаси тўлиқ кўриб чиқилган.

Диссертациянинг «**Сурункали миелопролифератив касаликларда гиперкоагуляция ҳолатини молекуляр-генетик баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари, тадқиқот усуллари ва ҳажми кўрсатилган, шунингдек, олдинга қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун молекуляр-генетик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ келтириб ўтилган.

Тадқиқотга 2012 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда гематология ва қон қуйиш ИТИ клиникасида диспансер кузатув ва даволанишда бўлган сурункали миелопролифератив касалликлар (СМПК) билан оғриган 111 нафар беморлар киритилган. СМПК беморларининг барчаси асосий гуруҳни ташкил этди, касаллик нозологиясига мос ҳолда 2 гуруҳга бўлинди: 1 гуруҳ-сурункали миелолейкоз билан оғриган 32 нафар бемор (СМЛ, ёш медианаси $37,44 \pm 2,14$ ёш), 2-гуруҳ-чин полицитемия билан оғриган 79 нафар бемор (ЧП ёш медианаси $49,56 \pm 1,36$ ёш). Ҳар бир тадқиқот қилинувчи гуруҳ иккита кичик гуруҳларга бўлинди, улар: «А» –тромбозли гуруҳ ва «Б» - тромбозсиз гуруҳлардир. Назорат гуруҳини анамнезида тромбозлар ва онкогематологик касалликлари бўлмаган 114 нафар соғлом шахслар ташкил этди. Ташхис ЖССТ (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти) (2008) тавсиясини ҳисобга олган ҳолда қўйилган.

СМПКли беморларда FII (G2021A), FV (G1691A), MTHFR (C677T), PAI-I (5G/4G) ва JAK2 (V617F) генлар полиморфизмини детекцияси амалга оширилган.

Генлар полиморфизмини тадқиқ қилиш усуллари: қон олиш, периферик қон таркибидаги лимфоцитлардан ДНКни ажратиб олиш, ПЦР ўтказиш, электрофорез олиб бориш ва натижаларни визуализация қилиш каби бир неча босқични ўз ичига олади. Намуналардаги олинган нуклеин кислота препаратларининг концентрациясини аниқлаш NanoDrop-2000 (NanoDrop

Tehnologies, AQSH) спектрофотометрик қурилмасида ўтказилди. Генларда тест ўтказиш эса «Литех» (Россия) илмий-ишлаб чиқариш компаниясининг ПЦР ва Applied Biosystems (AQSH) амплификаторидаги тест-тизимни қўллаш билан амалга оширилган.

Тадқиқ қилинадиган генотиплар ва аллелларни тақсимланишида миллатлараро фарқни рад этиш мақсадида гуруҳларга фақат ўзбек миллатидаги шахслар киритилган.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш «GenePop» («Genetics of Population») ва «OpenEpi 2009, Version 2.3» статистик дастурларнинг компьютер пакети ёрдамида олиб борилган.

Диссертациянинг **«Сурункали миелопролифератив касалликлар билан оғриган беморларда туғма тромбофилия (FII, FV, MTHFR ва PAI-I) генетик маркерларини ва JAK2 (V617F) гени мутациясининг ўзига хосликлари»** деб номланган учинчи боби шахсий текшириш натижаларининг баёнига бағишланган. Ушбу бобда СМПКли беморларни молекуляр-генетик текшириш натижалари тўлиқ тақдим этилган бўлиб, у туғма тромбофилия генлари ва JAK2 (V617F) гени мутациясини баҳолашни ўз ичига олган. FII, FV, MTHFR ва PAI-I генлар полиморфизмларини ўрганиш билан СМПКли беморларда уларнинг аллел ва генотипларини учраш сонининг таҳлили ўтказилган.

СМПК беморларининг асосий гуруҳида FII (G2021A) ген полиморфизмини ўрганишни таҳлил қилиш кўрсатдики, G аллелининг сони 100,0%ни ташкил этди, унга мос холда A аллелли амалий жиҳатдан кузатилмади. Назорат гуруҳида кўрсатилган аллелларнинг учраш сонининг улуши мос холда 99,1% ва 0,9%ни ташкил этди. Шу билан бир қаторда худди шунга ўхшаш холат генотип ташувчиларига нисбатан ҳам кузатилди, яъни: беморлар гуруҳида G/G генотипининг улуши 100,0%ни ташкил этган бўлса, гетерозигот ва гомозигот генотипларининг ташувчилари эса аниқланмади.

Назорат гуруҳида G/G ва G/A генотиплар сони 99,1% ва 0,9% қайд этилди, A/A мутант генотипининг ташувчилик ҳолати қайд этилмади. Ўз навбатида ушбу далиллар СМПК да тромбозларни ривожланишида ўрганилган генетик маркерларни паст ташхислаш аҳамиятини тасдиқлайди.

FV (G1691A) ген полиморфизми аллеллар сонини учрашини ўзига хосликлари шу билан тавсифланадики, асосий гуруҳ беморларида G ва A аллеллар улуши 99,1% ва 0,9% га мос бўлди, назорат гуруҳида эса уларнинг белгилари бир қанча фарқ қилди ва мос холда 99,6% ва 0,4%ни ташкил этди. Асосий (98,2% ва 1,8%) ва назорат (99,1% ва 0,9%) гуруҳларидаги G/G ва G/A генотиплари тақсимланишининг таҳлили кўрсатдики, беморлар орасида гетерозигот генотипларининг улуши назорат гуруҳи белгиларидан 2 марта юқори бўлади (1-жадвалга қаранг).

Асосий гуруҳда G/A генотипи сонининг ортиши тромбозли беморлар ҳисобига кузатилди, улар орасида бу кўрсаткич 3,8%ни ташкил этди, бу эса

назорат гуруҳида унинг сони 4 марта юқори бўлишини кўрсатди ($\chi^2=1,7$; $P=0,2$; $OR=4,4$; $CI 0,391-48,6$). Тромбозсиз СМПК беморлари орасида мазкур генотипнинг ташувчилари аниқланмади, бу эса СМПК да тромбозларни ривожланишида FV (G1691A) ген полиморфизмининг G/A генотиплари аҳамиятини исботлаган.

1-жадвал

Назорат ва сурункали миелопролифератив касалликлар билан хасталанган беморлар гуруҳида FV (G1691A) ген полиморфизми аллел ва генотипларининг тақсимланиш даражаси

Гуруҳлар	G	A	G/ G		G/A		A/A	
	%	%	n	%	n	%	n	%
СМПК асосий гуруҳи, n=111	99,1	0,9	109	98,2	2	1,8	0	0,0
«А» кичик гуруҳи, n=53	98,1	1,9	51	96,2	2	3,8	0	0,0
«Б» кичик гуруҳи, n=58	100,0	0,0	58	100,0	0	0,0	0	0,0
1.СМЛ беморлари, n=32	98,4	1,6	31	96,9	1	3,1	0	0,0
«А» кичик гуруҳи, n=11	95,4	4,5	10	90,9	1	9,1	0	0,0
«Б» кичик гуруҳи, n=21	100,0	0,0	21	100,0	0	0,0	0	0,0
2.ЧП беморлари, n=79	99,4	0,6	78	98,7	1	1,3	0	0,0
«А» кичик гуруҳи, n=42	98,8	1,2	41	97,6	1	2,4	0	0,0
«Б» кичик гуруҳи, n=37	100,0	0,0	37	100,0	0	0,0	0	0,0
Назорат гуруҳи, n=114	100,0	0,0	10	100,0	0	0,0	0	0,0

Асосий гуруҳда G/A генотипи сонининг ортиши тромбозли беморлар ҳисобига кузатилди, улар орасида бу кўрсаткич 3,8%ни ташкил этди, бу эса назорат гуруҳида унинг сони 4 марта юқори бўлишини кўрсатди ($\chi^2=1,7$; $P=0,2$; $OR=4,4$; $CI 0,391-48,6$). Тромбозсиз СМПК беморлари орасида мазкур генотипнинг ташувчилари аниқланмади, бу эса СМПК да тромбозларни ривожланишида FV (G1691A) ген полиморфизмининг G/A генотиплари аҳамиятини исботлаган.

СМЛ беморлари гуруҳида G ва A аллеллар улуши 98,4% ва 1,6%ни, G/G ва G/A генотиплари эса -96,9% ва 3,1%ни ташкил этди. Назорат гуруҳига нисбатан солиштирилганда G/A генотиплари ва A аллеллар сонини ортиши «А» кичик гуруҳи ҳисобига қайд этилди, яъни тромбозли беморлар ҳисобига (100,0% ва 9,1% га мос холда), тромбозсиз бўлган «Б» кичик гуруҳ беморларида эса уларни ташувчилик ҳолатлари қайд этилмаган.

Шунингдек ЧП беморлар гуруҳида назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан солиштирилганда A аллеллар (0,6%га қарши 0,4%) ва G/A генотиплар (1,3%га қарши 0,9%) сонини бир неча бор ортиши қайд этилган. Тромбозли беморлар «А» кичик гуруҳида уларнинг улуши 1,2% ва 2,4%ни ташкил этган, «Б» кичик гуруҳида эса улар аниқланмаган.

Келтирилган белгилардан кўриниб турибдики, A ноҳуш минор аллел ва G/A гетерозигот генотипларининг сони СМЛ беморлар гуруҳида, ЧП беморларига нисбатан солиштирилганда деярли икки марта юқори бўлган (1,6%га қарши 0,6% ва 3,1%га қарши 1,3%), шунингдек назорат гуруҳига нисбатан таққосланганда 4 ва 3,4 марта юқори бўлган (1,6% га қарши 0,4% ва 3,1%га қарши 0,9%).

Назорат гуруҳи ва СМПК беморларининг асосий гуруҳида FV (G1691A) ген полиморфизми генотиплари сонининг тақсимланиши Харди-Вайнберг мувозанатига мос бўлган ($p > 0,05$).

Тадқиқот олиб бориш жараёнида тромботик асоратларни ривожланиш ҳавфи бўлган СМПК беморларида MTHFR (C677T) полиморфизмининг тақсимланиши ва ассоциация сони аниқланган. СМПК асосий гуруҳ беморларида MTHFR гени C677T полиморфизмининг C (74,8%га қарши 81,6%) ва T (25,2%га қарши 18,4%) аллеллар сони, назорат гуруҳи билан солиштирилганда C аллеллар улушини 1,1 мартага пасайиши ва аксинча ноҳуш T аллел улушини 1,9 мартага ортиши билан тавсифланувчи фарқини кўрсатди. Асосий гуруҳ беморларида генотипларни тақсимланишига нисбатан C/C генотип ташувчиларини 1,15 мартага (56,8%га қарши 65,8%) пасайиши ва C/T генотипини 1,3 мартага (36,0%га қарши 31,6%) сезиларсиз ортиши аниқланди. Ушбу ўзига хосликлар билан бир қаторда ҳар икки текширилувчи гуруҳда T/T (7,2% ва 2,6%) гомозигот генотипининг мавжудлиги аниқланди. Бироқ, беморлар гуруҳида унинг улуши худди шундай назорат гуруҳига нисбатан 4.7 мартага сезиларли даражада юқори бўлган ($\chi^2=5,4$; $P=0,02$; $OR=4,7$; 95% CI 1,13-19,68).

Тромбозли ва тромбозсиз беморларнинг кичик гуруҳларидан олинган маълумотларни баҳолаш, аллел ва генотиплар тақсимланиш сонидagi фарқларни кўрсатган. Демак, «А» кичик гуруҳидаги T аллеллар улуши «Б» (30,2% ва 20,7%) кичик гуруҳи белгиларидан деярли 1,7 марта ва худди шунинг назорат гуруҳига (30,2%га қарши 18,4%) нисбан 1,9 марта юқори бўлган. Бунда C/T ва T/T генотипларининг улуши «Б» кичик гуруҳи ва назорат гуруҳига нисбатан солиштирилганда 1,1 ва 1,3 марта (37,7%га қарши 34,5% ва 31,6%), шунингдек 3,3 ва 4,7 мартага юқори даражада ишончли (11,3% га қарши 3,4% ва 2,6%) (2- жадвалга қаранг).

СМЛ беморлар гуруҳида С аллеллар сони 73,4%ни ($\chi^2=1,6$; $P=0,2$; $OR=2,1$; 95%CI 0,670-6,54) ташкил этган, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткичлар 81,6%ни ташкил этган. Мазкур гуруҳдаги ўрганилаётган геннинг Т аллеллар сони ўртача 26,6%ни ташкил этди, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич паст (26,6%га 18,4; $\chi^2=1,6$; $P=0,2$; $OR=2,1$; 95% CI 0,670-6,54) натижаларни кўрсатган.

СМЛнинг умумий текширилувчи гуруҳида С/Т генотип ташувчилар улушининг ошиш тенденцияси аниқланган (37,6%га қарши 31,6%; $\chi^2=0,03$; $P=0,9$; $OR=1,4$; 95% CI 0,248-5,26) ва «А» кичик гуруҳида (18,2%; $\chi^2=1,5$; $P=0,2$; $OR=4,4$; 95% CI 0,355-55,57) Т/Т (9,3%га қарши 2,6%) мутант аллелли бўйича гомозиготаларнинг статистик сезиларли ортиши аниқланган. Бунда «Б» кичик гуруҳида эса бир неча бор кичик бўлган ва 33,3% ва 4,8%ни ташкил этган ($\chi^2=1,5$; $P=0,2$; $OR=4,4$; 95% CI 0,355-55,57).

2 -жадвал

Назорат ва сурункали миелопролифератив касалликлар билан хасталанган беморлар гуруҳида МТНFR генининг (С677Т) полиморфизми аллел ва генотипларининг тақсимланиш даражаси

Гуруҳлар	С	Т	С/С		С/Т		Т/Т	
	%	%	n	%	N	%	N	%
СМПК асосий гуруҳи, n=111	74,8	25,2	63	56,8	40	36,0	8	7,2
«А» кичик гуруҳи, n=53	69,8	30,2	27	50,9	20	37,7	6	11,3
«Б» кичик гуруҳи, n=58	79,3	20,7	36	62,1	20	34,5	2	3,4
1. СМЛ беморлари, n=32	73,4	26,6	18	56,2	11	34,4	3	9,3
«А» кичик гуруҳи, n=11	63,6	36,4	5	45,4	4	36,4	2	18,2
«Б» кичик гуруҳи, n=21	78,6	21,4	13	61,9	7	33,3	1	4,8
2. ЧП беморлари, n=79	119	39	45	57,0	29	36,7	5	6,3
«А» кичик гуруҳи, n=42	71,4	28,6	22	52,4	16	38,1	4	9,5
«Б» кичик гуруҳи, n=37	79,7	20,3	23	62,2	13	35,1	1	2,7
Назорат гуруҳи, n=114	81,6	18,4	75	65,8	36	31,6	3	2,6

ЧП беморлари иккинчи гуруҳида МТНFR генининг (С677Т) полиморфизми –С аллеллар сонининг тақсимланишини ўрганиш 61,0%ни ташкил этган ($\chi^2=1,5$; $P=0,2$; $OR=1,6$; 95% CI 0,751-3,292). Ушбу гуруҳдаги ўрганилаётган геннинг Т аллеллар сони ўртача 39,0%ни ташкил этган, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич бир неча бор паст (39% га қарши 18,4%) натижаларга эга бўлган. ЧП беморлари гуруҳида С/Т гетерозигот генотиби ташувчиларининг улушини сезиларсиз (36,7%га қарши 31,6%) ва Т/Т мутант аллелли бўйича гомозигот генотипига нисбатан сезиларли (6,3%га қарши 2,6%) ортиши аниқланган. «А» кичик гуруҳида уларнинг улуши «Б» кичик гуруҳига нисбатан 1,0 мартадан (38,1%га қарши 35,1%; $\chi^2=0,07$; $P=0,9$; $OR=1,1$; 95%CI 0,453-2,846). ва 3,8 мартадан (9,5%га қарши 2,7; $\chi^2=1,5$; $P=0,2$; $OR=3,8$; 95%CI 0,404-35,53) кўпроққа юқори бўлган.

Назорат гуруҳи ва СМПК беморларининг асосий гуруҳида МТНFR (С677Т) ген полиморфизми генотиблири сонининг тақсимланиши Харди-Вайнберг мувозанатига мос бўлган ($p>0,05$).

Шундай қилиб, СМПК асосий гуруҳ беморларининг «А» кичик гуруҳида МТНFR фермент генининг С677Т мутациясининг гетерозигот ва гомозигот генотиблирининг ташувчилигини ортиши тўғрисида хулоса қилишга имкон берган, бу эса ўзбек миллатидаги шахсларда тромбозларни ривожланиш ҳавфини оширган. Балки бу ҳолат, гетерозигот генотипли шахсларда Т/Т ёввойи генотиби томонидан кўрсатиладиган ҳимоя таъсирининг йўқолиши билан боғлиқ бўлиб, бунинг натижасида эса тромбофилик ҳолат ривожланиши мумкин.

Олинган маълумотлар қуйидагиларни кўрсатди: асосий гуруҳдаги PAI-I (-675 5G>4G) генининг полиморф варианты 5G ва G 4G аллеллар сони назорат гуруҳ белгиларидан фарқ қилган, жумладан 5G аллеллар улуши 1,3 марта паст бўлган (54,9%га қарши 73,2%), бунда 4G ноҳуш аллеллар сони эса аксинча 1,7 марта юқори бўлган (45,0%га қарши 26,8%). 4G аллелларининг ортиши тромбозли беморлар ҳисобига ва тромбозсиз беморлар ҳисобига ҳам бир хилда кузатилган. Бироқ, тромбозли беморлар орасида унинг ташувчилик улуши энг юқори даражада бўлган ва тромбозсиз беморларнинг кичик гуруҳидаги ва назорат гуруҳидаги беморларнинг худди шундай белгиларидан 1,7 (57,5%га қарши 33,6%) ва 2,1 (57,5%га қарши 26,8%) мартага юқори бўлган (3-жадвалга қаранг).

Назорат ва СМПК беморларининг асосий гуруҳида PAI-I (-675 5G>4G) гени полиморфизми генотиблирини тақсимланиш сонини баҳолаш кўрсатдики, 5G/5G гомозигот генотиблирини ташувчилик, мос ҳолда 30,6% ва 54,4%ни ташкил этган 5G/4G гетерозигот генотип ташувчилик эса текширилганларда мос ҳолда 48,6% ва 30,5% ҳолатда кузатилган. Шунинг таъкидлаш зарурки, гуруҳлардаги беморларда ҳам, назорат гуруҳ беморларида ҳам 4G/4G кам учрайдиган гомозигот генотипининг

ташувчилиги аниқланган, уларнинг улуши беморлар гуруҳида сезиларли даражада 2,6 мартага юқори бўлган (20,7%га қарши 7,9%).

СМПК беморларининг асосий гуруҳидаги «А» ва «Б» кичик гуруҳларида 5G аллеллар сони назорат гуруҳига нисбатан 1,7 (42,5%га қарши 73,2%) ва 1,1 (66,4%га қарши 73,2%) мартага кам бўлган, 4G аллеллар ташувчилиги эса 2,1 (57,5%га қарши 26,8%) ва 1,25 (33,6%га қарши 26,8%) мартага ортиқ бўлган.

3-жадвал

Назорат ва сурункали миелопролифератив касалликлар билан хасталанган беморлар гуруҳида РАІ-І генининг (5G/4G) полиморфизми аллел ва генотипларининг тақсимланиш даражаси

Гуруҳлар	5G	4G	5G/5G		5G/4G		4G/4G	
	%	%	n	%	n	%	n	%
СМПК асосий гуруҳи, n=111	54,9	45,0	34	30,6	54	48,6	23	20,7
«А» кичик гуруҳи, n=53	42,5	57,5	8	15,1	29	54,7	16	30,2
«Б» кичик гуруҳи, n=58	66,4	33,6	26	44,8	25	43,1	7	12,1
1. СМЛ беморлар, n=32	57,8	42,2	10	31,2	17	53,1	5	15,6
«А» кичик гуруҳи, n=11	45,4	54,5	2	18,2	6	54,5	3	27,3
«Б» кичик гуруҳи, n=21	64,3	35,7	8	38,1	11	53,4	2	9,5
2. ЧП беморлар, n=79	53,8	46,2	24	30,4	37	46,8	18	22,8
«А» кичик гуруҳи, n=42	41,7	58,3	6	14,3	23	54,8	13	30,9
«Б» кичик гуруҳи, n=37	48,6	32,4	18	48,6	14	37,8	5	13,5
Назорат гуруҳи, n=114	73,2	26,8	62	54,4	43	30,5	9	7,9

СМПК беморлари асосий гуруҳининг «А» ва «Б» кичик гуруҳлари ўртасидаги қиёсий таҳлил кўрсатдики, 5G/5G гомозигот генотипларининг ташувчилиги 15,1% ва 44,8% қайд этилган, мос ҳолда ($\chi^2=11,5$; $P=0,001$ OR=0,2; 95% CI 0,09-0,54), 5G/4G гетерозигот генотиби 54,7% ва 43,1%да ($\chi^2=1,5$; $P=0,2$; OR=1,6; 95%CI 0,753-3,377) ва 4G/4G гомозигот генотибида 30,2% ва 12,1% ($\chi^2=5,5$; $P=0,02$; OR=3,1; 95% CI 1,78-8,427). Назорат ва «Б» кичик гуруҳларига нисбатан 5G/4G генотипларининг улуши 1,3 мартага (54,7%га қарши 43,1%) ва 1,8 мартага (54,7% га қарши 30,5%), 4G/4G

генотипи эса 2,5 мартага (30,2%га қарши 12,1%) ҳамда 3,8 мартага (30,2%га қарши 7,9%) юқори бўлган.

Ушбу маълумотлар билан бир қаторда таъкидлаш жоизки, СМЛ (n=32) беморлар гуруҳида 5G ва 4G аллеллар сони 57,8% ва 42,2% ни ташкил этган, бунда «А» кичик гуруҳида (n=11) нохуш алеллар улуши 54,5% қайд этилган бўлса, «Б» кичик гуруҳида эса (n=21) 35,7% ҳолатни ташкил этган. Бу маълумотлардан шу нарса равшан бўлдики, «А» кичик гуруҳида 4G аллел ташувчилари, «Б» кичик гуруҳи билан таққосланганда 2,0 мартадан кўпроққа юқори бўлган ($\chi^2=2,1$; $P=0,1$; $OR=2,2$; 95% CI 0,75-6,17). Худди шу каби ҳолат ЧП (n=79) беморлари гуруҳида ҳам намоён бўлган, бу ерда алеллар сони 53,8% ва 46,2% («А» кичик гуруҳида (n=42)-41,7% ва 58,3%, «Б» (n=37) кичик гуруҳида эса – 48,6% ва 32,4%)ни ташкил этган. 4G аллеллар улуши «Б» кичик гуруҳига нисбатан «А» кичик гуруҳида 2,9 мартага юқори бўлган (58,3%га қарши 32,4%; $\chi^2=10,6$; $P=0,001$; $OR=2,9$; 95% CI 1.52-5.598).

СМПК нозологиясига боғлиқ ҳолда генотиплар сонини тақсимланиши қуйидаги белгиларни ташкил этган: СМЛ ва ЧП беморлар гуруҳида СМПК 5G/5G генотипининг гомозигот ташувчилиги назорат гуруҳига нисбатан 1,74 (31,2%га қарши 54,4) ва 1,78 марта кам (30,4%га қарши 54,5%), 5G/4G гетерозигот ташувчилик ва 4G/4G гомозигот генотипи ташувчилик эса аксинча 1,74 (53,1%га қарши 30,5%) ва 1,53 (46,8%га қарши 30,5%) марта, шунингдек мос ҳолда 1,97 (15,6%га қарши 7,9) ва 2,9 (22,8%га қарши 7,9%) марта юқори бўлган.

Тромбознинг мавжудлиги ва тромбозсиз беморлар кичик гуруҳларига боғлиқ ҳолда СМЛ ва ЧПли беморлар генотипи сонини тақсимланиши қиёсий баҳолаш кўрсатдики, тромбозли беморларда 5G/4G ва 4G/4G генотипларининг ташувчилик сони тромботик асоратлари бўлмаган беморлар орасидаги шундай кўрсаткичлардан бир неча бор юқори бўлган. Демак, СМЛ беморларининг «Б» кичик гуруҳи билан солиштирилганда «А» кичик гуруҳида бу статистик жиҳатдан унча катта фарқ қилмайдиган ҳолатни ташкил этган-54,5%га қарши 53,4% ($\chi^2=0,06$; $P=0,8$; $OR=1,1$; 95% CI 0,25-4,714) ва 27,3% га қарши 9,5% ($\chi^2=1,7$; $P=0,2$; $OR=3,6$; 95%CI 0,496-25,56). ЧП беморларининг «А» кичик гуруҳини «Б» кичик гуруҳи маълумотлари билан солиштирилганда бу фарқ қуйидагиларни ташкил этган-54,8%га қарши 37,8% ($\chi^2=2,3$; $P=0,1$; $OR=2,0$; 95% CI 0,808-4,893) ва 30,9%га қарши 13,5% ($\chi^2=2,3$; $P=0,1$; $OR=2,9$; 95%CI 0,910-9,03).

Назорат гуруҳи ва СМПК беморларининг асосий гуруҳида РАІ-I (5G/4G) ген полиморфизми генотиплари сонининг тақсимланиши Харди-Вайнберг мувозанатига мос бўлган ($p>0,05$).

Шундай қилиб, СМЛ ва ЧП беморлари «А» кичик гуруҳида РАІ-I генининг 5G/4G полиморфизми гетерозигот ва гомозигот генотиплари тромбозлар ривожланиш ҳавфини оширган.

Шу билан бирга биз ЧП (n=79) беморларининг умумий танлаб олинган гуруҳларида JAK2 (V617F) мутациясини тарқалишини ўзига хосликларини

ва ушбу касалликларда тромботик асоратларни ривожланиши ҳамда JAK2 (V617F) мутациясининг мавжудлиги ўртасидаги алоқа имкониятини баҳоладик.

Юқорида баён этилганидек, СМПК асосий гуруҳ беморларининг барчаси (n=111) иккита кичик гуруҳга бўлинган: тромбоз билан «А» кичик гуруҳи (n=53) ва «Б» тромбозсиз гуруҳ (n=58). Бунда тромбозли беморлар тоифасининг асосий қисмини ЧПли беморлар ташкил этган (n=42) (4-жадвалга қаранг).

Чин полицитимия ташхисли текширишдан ўтган барча беморларнинг JAK2 (V617F) ген мутацияси 86,1% (n=68) нафар беморда аниқланган, уларнинг 13,9%ида (n=11) манфий жавоб олинган (5 жадвалга қаранг).

4-жадвал

Тромбозларнинг мавжудлигига боғлиқ ҳолда СМПК беморларини тақсимланиши

Беморлар гуруҳи	«А» кичик гуруҳ		«Б» кичик гуруҳ	
	n	%	n	%
СМПК, n=111	53	47,7	58	52,2
СМЛ, n=32	11	34,4	21	65,6
ЧП, n=79	42	53,2	37	46,8

5-жадвал

Чин полицитемия беморларида JAK2 (V617F) ген мутациясининг аниқланиш даражаси

Rh-манфий СМПК	JAK мусбат n=68				JAK манфий n=11			
	«А» кичик гуруҳ		«Б» кичик гуруҳ		«А» кичик гуруҳ		«Б» кичик гуруҳ	
	n	%	n	%	n	%	n	%
ЧП, (79)	37	54,4	31	45,6	5	45,4	6	54,5

Ушбу маълумотлардан равшанки, ЧП ижобий беморлари JAK2 (V617F) да тромботик асоратлар, худди шундай фақат JAK2 (V617F) салбий натижаларга нисбатан юқори кўрсаткичларга эга бўлган (54,4%га қарши 45,4%; $\chi^2=1,2$; P=0,3; OR=2,1; 95% CI 0,559-7,80).

Шундай қилиб, ЧП ижобий JAK2 (V617F)ли беморларда веноз тромбозларининг ривожланишини ортиш тенденцияси аниқланган. Бундай беморларда ЧП манфий JAK2 (V617F) беморларга нисбатан, турли тромбозэмболик асоратларни ривожланиш имконияти сезиларсиз равишда икки мартадан кўпроққа ортган ($\chi^2=1,2$; P=0,3; OR=2,1; 95%CI:0,559-7,80).

Шундай қилиб, туғма тромбофилия ген полиморфизмларини ўрганиш, тромбоцитларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ бўлмаган ҳолда СМПК беморлари FII гени G20210A полиморфизми аниқланиш сонини пастлиги кўрсатган, бу ўзбек популяцияси СМПК беморларида тромбоцитларни ривожланиш ҳавфини башоратлаш аҳамиятини пастлигини белгилаб берган. Шу билан бирга FV (G1691A), MTHFR (C677T), PAI-I (5G/4G) нохуш генотипик вариантларига нисбатан СМПК ли беморларида тромбоцит асоратларни ривожланиши билан ассоциацияси ўрнатилган ($\chi^2 > 3.85$; $p < 0,051$). ЧП беморларида JAK2 (V617F) ген мутациясини ташувчилик тромбоцитлар ривожланиш ҳавфини, салбий ЧП JAK2 (V617F) беморларига нисбатан сезиларсиз равишда 2 мартадан ортиққа оширган ($\chi^2 = 1,2$; $P = 0,3$; $OR = 2,1$; 95% CI: 0,559-7,80).

Олинган натижалар асосида СМПКли беморларда протромботик асоратларни ривожланиш ҳавфини самарали башоратлашни ташхислашнинг янги мезонлари ишлаб чиқилган.

ХУЛОСАЛАР

«Сурункали миелопролифератив касалликларда гиперкоагуляция ҳолатни шаклланишининг молекуляр-генетик асосларини баҳолаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Бирлаштирилган гуруҳлар ва тромбоэмболик асоратлари бўлган ва бўлмаган беморлар гуруҳчалари, ҳамда назорат танловида FII генининг G20210A полиморфизмини учраш частотасининг пастлиги ва ушбу локус тромбоцитлар ривожланишида ўзбек популяциясига мансуб сурункали миелопролифератив касалликлари бўлган беморларда прогностик маркер сифатида хос эмаслиги аниқланди.

2. Оқсил моддаларининг активлиги ёки синтезини бузилиши билан боғлиқ бўлган FV G1691A, MTHFR C677T, PAI-I 5G/4G генларининг салбий генотипик вариантлари сурункали миелопролифератив касалликлар бўлган беморларда тромбоцит асоратларни ривожланишида аҳамиятли эканлигини кўрсатган. Ушбу генотипик вариантларни ташувчиларда тромбоэмболик асоратларни OR ривожланиш ҳавфи 2 дан 4 мартагача ($\chi^2 > 3,85$, $p < 0,05$) сезиларли даражада ортиши билан изоҳланади.

3. Сурункали миелопролифератив касалликлар бўлган беморларда тромбоэмболик асоратларни ривожланишида MTHFR гени C677T ва PAI-I генининг 5G/4G нормал генотипик вариантларини протектив самараси исботланган. Ушбу генотипларни ташувчиларда тромбоэмболик асоратларни ривожланиш ҳавфини эҳтимоллик имкониятининг коэффициенти юқори ишончли 0,8 дан 0,2 мартагача ($\chi^2 > 3,85$, $p < 0,05$) камайиши юзага келади.

4. JAK2 V617F мутацияси аниқланган эритроцит беморларида вена тромбоцитларининг ривожланишини ортишини тенденцияси аниқланган. Бу беморларда турли хил тромбоэмболик асоратларни ривожланиш имконияти JAK2 V617F мутацияси аниқланмаган беморларга нисбатан 2 мартадан

кўпроқ ($\chi^2=1,2$; $p=0,3$; $OR=2,1$; 95% $CI:0,559-7,80$) сезиларли бўлмаган даражада ортган.

5. Сурункали миелопролифератив касалликлар бўлган беморларда тромбоэмболик асоратларни ривожланиш хавфини самарали башоратлаш ва ташҳиснинг янги мезонлари ишлаб чиқилган. PAI-I генининг 4G/4G, MTHFR генининг T677T ва фактор V геннинг G1691A генотипик варианты кўпроқ аҳамиятга эга бўлган генетик маркер сифатида тавсия этилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ГЕМАТОЛОГИИ И
ПЕРЕЛИВАНИЯ КРОВИ**

ШАМСУТДИНОВА ДИЛДОРА БАХРАМОВНА

**ИЗУЧЕНИЕ МОЛЕКУЛЯРНО-ГЕНЕТИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ
ФОРМИРОВАНИЯ ГИПЕРКОАГУЛЯЦИОННОГО СОСТОЯНИЯ ПРИ
ХРОНИЧЕСКИХ МИЕЛОПРОЛИФЕРАТИВНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ**

14.00.29 – Гематология и трансфузиология

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.1.PhD/В 284

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте Гематологии и переливания крови. МЗРУз.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Бобоев Кодиржон Тухтабоевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Бабаджанова Шоира Агзамовна
доктор медицинских наук, профессор

Гильдиева Маргарита Сабировна
доктор биологических наук

Ведущая организация:

Андижанский государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 г. в _____ часов на заседании Разового научного совета на основе Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии. (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, дом 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за _____). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби, дом 2. Тел./факс: (+99878)150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2020 года)

А.Г. Гадаев

Председатель Разового научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Ученый секретарь Разового научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

Р.С. Мухамедов

Председатель научного семинара при Разовом научном совете на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор биологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время сосудистые тромбозы являются серьезной проблемой при патологии системы крови, особенно при онкогематологических заболеваниях. По данным зарубежных авторов исследования «...посвящены выяснению роли таких генетических дефектов, как аномалия фактора V, гипергомоцистеинемия, вызываемая мутацией 677С-Т гена фермента МТНFR, мутация 20210G-A гена фактора протромбина II и гена PAI-I в предрасположенности к формированию тромбофилических состояний...».¹ Высокая вероятность и трудности лечения тромбоэмболических осложнений при гематологических заболеваниях обуславливают необходимость в своевременной диагностике факторов или раннем прогнозировании риска развития данного явления у этих пациентов.

В мире проводится ряд исследований для изучения молекулярно-генетических особенностей формирования гиперкоагуляционного состояния при хронических миелопролиферативных заболеваниях. В связи с этим сравнительная оценка частоты встречаемости генетических маркеров врожденной тромбофилии (FII, FV, МТНFR и PAI-I) среди больных с хроническими миелопролиферативными заболеваниями; определить значимость генетических маркеров врожденной тромбофилии FII, FV, МТНFR и PAI-I в формировании тромбоэмболических осложнений у больных с хроническими миелопролиферативными заболеваниями; проанализировать роль мутации V617F гена JAK2 в развитие тромбоэмболических осложнений; разработать новые критерии ранней диагностики повышенной склонности к развитию гиперкоагуляционного синдрома и прогнозирования развития рецидивов тромбоза и его осложнений при хронических миелопролиферативных заболеваниях имеет особое значение.

В нашей стране реализуются меры, направленные на развитие медицины, профилактику различных заболеваний, в том числе тромбоэмболических осложнений при гематологических заболеваниях, предупреждению их развития и эффективные ранние профилактические меры. В Указе «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», определены такие задачи как «...повысить эффективность, качество и доступность медицинской помощи в стране, а также путем разработки эффективных моделей патронажной службы и диспансеризации внедрить высокотехнологичные методы диагностики, лечения и профилактики заболеваний, поддержка здорового образа жизни...»². Эти задачи помогут снизить показатели

¹ Шайхутдинова Р.В., Кочмарева Г.Ю., Серова Е.А. и др. Исследование полиморфизма генов плазменного и тромбоцитарного звеньев гемостаза у пациентов с хроническими миелопролиферативными новообразованиями. Лабораторная служба, №1, 2018. С.20-24.

² Указ Президента Республики Узбекистан за № УП 5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года.

инвалидности и смертности от онкогематологических заболеваний за счет повышения уровня качества современных медицинских услуг по их диагностике и лечению, а также совершенствованию использования современных технологий в оказании качественной медицинской помощи.

